Ушбу сонда:
ҲАҚЛИ ЧОРА 2
XXI АСР НАФАСИ воқеалар, хабарлар, тафсилотлар 3
ИШДАН БЎШАТИШ КЎНГИЛ ИШИ ЭМАС 4
ҒАРОЙИБ ЭГИЗАКЛАР

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 21 (476)
2006 йил 30 май сешанба
Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

**Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Такрорий овоз бериш ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилади.**

**Такрорий овоз беришда иштирок этиш фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади.**

**«ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 26-МОДДА.**

*1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ!*

## КЕЛАЖАК ЙЎЛИДАГИ ҒАМХЎРЛИК

**Болалар ўзларининг беғубор табиати билан бизни доимо ўзига мафтун этади. Ҳаётда уларни яхши кўра туриб, ўз болалигини қўмсамайдиган одам топилмаса керак. Бир сўз билан айтганда, болалар — келажагимиз.**



Шунинг учун ҳам юртимизда ўсиб-униб келаётган ёш авлодни асраб-авайлаш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш доимий эътиборда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси қўшилган илк халқаро шартномалардан бири ҳам Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциядир.

Инсон ҳуқуқи бола ҳуқуқидан бошланади, деган сўзлар бугун бутун дунё тан олган мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бугунги кунда мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида конвенцияда мустаҳкамланган тамойилларни миллий қонунчилигимизда ҳам тўлиқ акс эттириб, шу асосда фаолият юритяпти. Зеро, болаларнинг эркин улғайиши, камол топиши учун шароит яратиб бериш демократик фуқаролик жамиятига хосдир.

Бугунги кунда болалар ҳуқуқи тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий меъёрлар асосида болаларнинг яшаши, вояга етиши ва ҳимоясига оид миллий дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, болалар ҳуқуқини таъминлаш асосларини вужудга келтириш ва такомиллаштириб бориш, болалар ҳуқуқини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза этувчи халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ билан ҳамкорлик масалалари яхши йўлга қўйилган. Болалар яшаш ҳуқуқини кафолатлаш, беш ёшгача болалар ҳаётини сақлаб қолишга эришиш, ўсиш ва ривожланиш шароитини, оналар соғлиғини яхшилаш орқали соғлом фарзанд туғилишига эришиш, махсус эҳтиёжли болаларга эътиборни кучайтириш, ўсмирлар соғлиғини мустаҳкамлаш, таълим олиш ва муҳофазалаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Мамлакатимизнинг Асосий Қонунида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлиги, давлат ва жамият етим ҳамда ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенг эканликлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

Конституциямиз асосида қабул қилинган қонунлар, Фуқаролик кодекси ҳамда Оила кодексининг ҳаётга жорий этилиши оила муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ва такомиллаштириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Уларда оилавий муҳитдан маҳрум бўлган болалар манфаатини ҳуқуқий муҳофазалашга йўналтирилган меъёрлар мавжуд бўлиб, вояга етмаган етим болаларни фарзандликка олиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш, мурувватга муҳтож болаларга яшаш, тарбияланиш ва таълим олиш учун шароит яратиш масалаларига алоҳида аҳамият берилган.

Меҳнат қонунчилигимизда ўн саккиз ёшга тўлмаган ўсмирлар меҳнат муносабатларига киришишининг қонуний асослари белгилаб берилди. Унга кўра, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид муносабатларда катта ёшдигилар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шароитлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай, ер ости ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган меъёрдан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Иш вақти муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда болалар меҳнат ҳуқуқлари адолатли муҳофаза этилган. Бундай далилларни маъмурий, жиноий ва бошқа соҳага оид қонунчилигимизда ҳам кўриш мумкин. Уларда ҳам болаларга нисбатан улкан меҳр ва инсонийлик тамойиллари ўз ифодасини топган. Жумладан, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексига киритилган 85-модда, яъни вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарқасидаги жазо тайинланмаслиги тўғрисидаги меъёр бунинг тасдиғидир.

Қонунларимизда вояга етмаганларга нисбатан бундай меҳр-шафқат тамойилларининг акс эттирилгани билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолган ёшларни соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим омил бўлмоқда. Чунки ҳали оқ-қорани таниб улгурмаган ўсмирни тўғри йўлдан адашгани учун қаттиқ жазолаш салбий оқибатларга олиб келиши сир эмас. Аксинча, унинг тўғри йўлга тушиб кетиши учун кўмаклашишнинг самараси кўпроқ.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бозор муносабатлари шароитида кўп болалик оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Болаларга нафақа тўлашнинг янги тизими жорий этилди. Маҳалла ва ўзини-ўзи бошқариш идоралари моддий ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларга нафақат пули тўлашни йўлга қўйди. Шу билан бирга **«Ногиронлар ижтимоий ҳимояси тўғрисида»**ги Қонун қабул қилиниб, ногирон болаларга ўн олти ёшгача нафақа тўлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори шу йўналишдаги хайрли ишлардан бири бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг **«Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларга туғма ва бошқа патологияни барвақт аниқлаш бўйича «Она ва бола скрининги» давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида»**ги қарори асосида мамлакатимизда қатор скрининг марказлари ишга туширилиб, замонавий диагностика асбоб-ускуналари ва бошқа воситалари билан жиҳозланди.

Болаларнинг умумэътироф этилган ҳуқуқларидан бири — илм олиш ҳуқуқидир. Бу Конституциямизнинг 41-моддасидаги **«ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга»** деган қоида билан ҳамоҳангдир. Фарзандларимизнинг бу ҳуқуқлари бугунги кунда «**Таълим тўғрисида**»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастур орқали ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Мамлакатимизда тўққиз йиллик бепул мажбурий таълим жорий қилиниб, гимназия, лицей ва коллежлар тизими вужудга келтирилди. Буларнинг ҳаммаси юртимизда ҳар томонлама соғлом ва комил фарзандлар етишиб чиқиши учун замин яратмоқда.

**Норгул АБДУРАЙИМОВА,**
**журналист**

**Ogohlik zaruratii**

*Кейинги икки-уч йил мобайнида Ғарбдаги бир қатор ташкилотлар ва тадқиқот марказлари томонидан Марказий Осиёга нисбатан ўтказилган «ошкора дипломатия» ҳамма нарсани аён этди ҳамда бирон-бир тушунарсиз масалага ўрин қолдирмади.*

## НЕОКОЛОНИАЛИЗМ ВА БОЙЛИКЛАРНИ ЭГАЛЛАБ ОЛИШ

### ёхуд

### Марказий Осиёда «демократия тарқатувчилар» учун кун тартибидаги янги масала

XX асрнинг 60-йилларида собиқ СССР халқлари кўзларини қамаштирган «демократик Ғарб»нинг эзгулигига бўлган ишончнинг «жилвакор шуълалари» «демократияни тарқатиш» амаллари билан тўқнашиб, бутунлай барҳам топди. «Ўз уйинг, ўлан тўшагинг» дегандай, ҳаёт ҳаммасини ўз ўрнига қўйди. Ўрта Осиёга нисбатан Ғарбдаги айрим доиралар янги услублар билан ғарбча қўғирчоқ режимларни ўрнатишга ва ҳудуддаги минерал-хомашё заҳиралари назоратини ўз қўлларига олишга интилишди. XXI аср бошидаги ўзгаришларни ўрганадиган халқаро муносабатлар соҳасининг кўплаб экспертлари қайта-қайта шундай саволга дуч келишади: Марказий Осиё зиёлилари ва аҳолисининг аксар қисмидан Ғарбга хос, хусусан, унинг қадриятларига нисбатан бўлган жуда катта ҳурмат-эътибор нега бунчалик тез барҳам топди? Бундай мақсадга собиқ СССР даврида кучли тарғибот билан ҳам эришиб бўлмаганди, энди эса қандайдир икки-уч йилда Ғарбнинг жилвакор «юмшоқ кучи» шунчалик тез барҳам топиши ғалати?

Бошқа, яна бир мудҳиш савол ҳам бор: нима учун Марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатларнинг давлат қурилиши тажрибасини ўрганишга, иқтисодий-инвестициявий ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган холис ҳаракатларини «Эски» ва «Янги» дунё давлатлари кучсизлик белгиси сифатида, бунинг устига ўзларини янги «катта оғалар» ўрнига таклиф қилинаётгандай талқин этишди?

Бир пайтлар собиқ СССР 1979 йил Афғонистонга бостириб кириши оқибатида узоқ йилларга дунёдаги мусулмон мамлакатлари билан муносабатини бузган эди. Рўй бериб ўтган воқеаларга қараганда, чекланган совет қўшинлари Афғонистонда турган вақтда, собиқ иттифоқ бу мамлакатда ўнлаб заводлар, фабрикалар, электростанциялар, минглаб километр йўллар, юзлаб ва минглаб саноат ва маиший хизмат объектларини қурган эди. Хўш, барча Ғарб мамлакатларининг бирлашгандаги саъй-ҳаракатлари билан ҳозирча Афғонистонда собиқ совет иттифоқи қурган иншоотларни ўндан бири ҳам қурилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Бугунги кундаги каби ҳолат давом этадиган бўлса, Афғонистон 1985 йилги саноат ривожи даражасига 2025 йилда етиши ҳам даргумон. Бироқ унинг аҳолиси бу вақт ичида, 85-йилдагига қиёслаганда, тўрт бараварга ортади. Бундан шундай тахмин қилиш мумкинки, Ғарбнинг Афғонистондаги бугунги стратегияси ва бу мамлакатни тиклаш суръати сақланиб қоладиган бўлса, бу мамлакатда яқин чорак асрда камида ўша талотўп террорчилик, фуқаролар уруши қайталанишининг реал хавфи ва толибонларнинг қайтиши рўй беради. Нима учун Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларга йилига 20-25 миллиардлаб доллар сарфланади-ю, таннархи 200-300 миллион бўлган бир неча фабрика қуришга маблағ топилмайди? Нима учун йилдан йилга «героин» ишлаб чиқариш ортиб бораяпти ва бу муаммо ўзининг тугал ечимини топмаётир?

Умуман, буларнинг барчасидан ISAF ва Америка қўшинлари ўзларининг Афғонистонда абадий қолишлари учун шарт-шароит яратишаётир, деган тасаввур пайдо бўлаётир. Ва шу ўринда тағин — хўш, нима учун, деган савол туғилади. Албатта, инсон ҳуқуқлари ва демократияни ҳимоя қилиш учун эмас. Баъзи бир мафкурачи «демократлаштирувчилар», «Катта Узоқ Шарқ»ни (яъни 50 тадан ортиқ давлатдаги 1,5 миллиард мусулмонни) демократлаштириш бўйича «юриш»га киришаркан, иккинчи жаҳон урушидан сўнг Германия ва Японияни демократлаштиришни уддалашгани ҳақида гапиришганди. Бироқ ҳозиргача Афғонистон ва Ироқда на сиёсий тараққиётда ва на иқтисодий тикланишда бирон-бир ижобий ўзгариш кўзга ташланмаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Ахир, Ғарбий Германия 1951 йили, яъни иттифоқчилар томонидан эгаллаб олинганидан сўнг орадан беш йил ўтиб, саноат ривожида жуда улкан тараққиётга эришганини, уруш йиллари батамом вайрон этилган шаҳарларни тиклашдаги ютуқларни яққол намоён этганди-ку. Умуман, Афғонистон ва Ироқдаги «демократлаштириш» натижаларини, бир қатор МДҲ давлатларидаги «рангли тўнтаришлар» оқибатларини кўриб-билиб туриб, Марказий Осиё мамлакатлари аҳолиси нафақат «демократлаштирувчилар»га ёки уларнинг «мажбурий демократлаштириш» мафкурасига нисбатан, балки ўзларининг истиқболдаги дунё қурилишида ўз ўринлари ҳақида ҳам чуқур ўйлаб кўришга мажбур бўлишди. Ва, албатта, бу борада танланган йўл янги ғарб колонизаторлари фойдасига хизмат қилмайди. Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорликда жаҳондаги меҳнат тақсимотида ўзларининг муносиб ўринларини эгаллаш ва ўз давлатлари хавфсизлигини таъминлаш учун ҳудуддаги ҳамкорлари билан ва МДҲ доирасида самарали ва изчил сиёсий, иқтисодий, инвестициявий ва инновациял ҳамкорликни барқарорлаштириш йўлини танлашаётир. Янги колониализм уларга бошқа танлов учун имкон қолдирмаяпти. Бошқача айтганда, ё Африка жанубидаги давлатлар қисматига кўниш керак ёки ҳудудий сиёсий ва иқтисодий интеграцияга киришиш лозим. Ғарб учун эса муаммо шундаки, 15 йил мобайнида улар сиёсий-иқтисодий тараққиётнинг маъқул моделини таклиф этишолмади. Қолаверса, бу вақт ичида бирон-бир йирик инфраструктура ва ижтимоий лойиҳа амалга оширилмади. Бу ҳудудда Ғарб қурган битта ҳам завод йўқ, барча инвестициялар амалда нефть, газ, олтин ва бошқа бир қатор минерал ҳомашёлар қазиб олишга йўналтирилгани билан чекланди. Табиий савол туғилади: бундай шароитда Марказий Осиё давлатларига панд-насиҳат қилишга ва ислом дини ривожининг асосий марказларидан бирига ўзининг қадриятларини киритишга уринишга Ғарбнинг қандай «маънавий» ҳаққи борлиги тўғрисида гапириш мумкинми?! Бундай ҳаракат ё бориб турган сиёсий саводсизлик ёки беадаблик! Марказий Осиё мамлакатларига янгича тараққиёт йўли керак, чунки чек-чегарасиз истеъмолга қурилган жамият модели — бу яқин йилларда умумжаҳон миқёсидаги экология инқирозига, муттасил хомашё етишмаслигига, тамаддунлар тўқнашуви ва йирик халқаро инқирозларга олиб борадиган боши берк йўлдир.

**Сергей МАКСИМОВ**
**Манба: «Центразия»**

**Ajab savdolar**

## НОЎРИН ТАХМИН

**Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолияти барқарорлигини таъминлаш, ортиқча қоғозбозликка йўл қўймаслик, умуман айтганда, бу соҳа вакиллари эркин фаолият юритиши учун қулайликлар яратиш йўлида беқиёс ислоҳотлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 15 июнда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори ҳам бу борада муҳим янгилик бўлди.**

Шуни айтиш керакки, мазкур қарор қабул қилинганга қадар тадбиркорлик субъектлари ҳар ойда солиқ ва статистика идораларига бюджет ва бюджетдан ташқари мажбурий тўловлар-ажратмалар бўйича ҳисобот топширарди. Ушбу қарор амалга жорий этилгач, бу тартибдаги ҳисоботлар ҳар чоракда топшириладиган бўлди.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: хўш, бугун мазкур қарор талабларига қандай амал қилинмоқда?



Қизилтепа туман давлат солиқ инспекцияси «Сеникс-Плюс» хусусий корхонаси ва «Саната-Прогресс» масъулияти чекланган жамиятини 2006 йилнинг январ ва феврал ойлари учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганликда айблаб, шу йилнинг 17 мартида вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди. Даъво аризаларида «Саната-Прогресс» хусусий корхонаси ва «Сенекс-Плюс» МЧЖларнинг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларини тўхтатиш ва банк ҳисобрақамларидаги пул маблағларини хатлаб бериш сўралганди.

Иккинчи томондан, «Саната-Прогресс» хусусий корхонаси ва «Сенекс-Плюс» масъулияти чекланган жамият таъсисчиси Н.Бозоров эса солиқ инспекцияси ходимларининг ҳаракатларидан норози бўлиб вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Хўш, ким ҳақ-у, ким ноҳақ? Ўрганиш давомида маълум бўлдики, туман давлат солиқ инспекциясининг даъво аризалари вилоят хўжалик судининг шу йил 3 апрелдаги ажримлари билан қаноатлантирилган. Даъвони таъминлаш юзасидан юқорида қайд этилган тадбиркорлик субъектларининг банкдаги ҳисоб варақларини тўхтатиш юзасидан ижро варақлари чиқарилган. Албатта, тадбиркорлик субъектларига молиявий санкцияларни қўллаш бўйича мамлакатимизда аниқ мезон ишлаб чиқилган ва амалга жорий этилган. Ҳамма гап унга қатъий риоя этишда.

Аниқроқ айтганда, Республика Олий хўжалик суди ва Республика Давлат солиқ қўмитаси раҳбарияти томонидан 2005 йил 7 октябрда қабул қилинган 2005/60-сонли **«Банк муассасаларидаги ҳисобварақлар бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш ва молиявий санкцияларни қўллаш тўғрисида хўжалик судларига мурожаат қилиш Тартиби»**га қатъий риоя қилинса, юқорида қайд этганимиздек, ҳеч қандай муаммо юзага келмайди. Ушбу Тартибнинг 4-бандида **«Тадбиркорлик субъектлари томонидан уларнинг банк муассасаларидаги ҳисоб варақларидаги операцияларини тўхтатиб қўйилишига асос бўлган қонунбузилиш ҳолатлари бартараф қилинганда солиқ хизмати идоралари 1 (бир) иш кунидан кечиктирмасдан банк муассасасига уларнинг ҳисоб варақлар бўйича операцияларини тиклаш (давом эттириш) бўйича алоқа хати юборади (топширади)»** дейилган.

Демак, тадбиркорлик субъектлари томонидан йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларига барҳам берилди. «Саната-Прогресс» ва «Сенекс-Плюс»лар барча солиқ ҳамда бошқа тўловларни шу йилнинг 7 апрел куни амалга оширади. Бу ҳақда «Саната-Прогресс» хусусий корхонаси раҳбари О.Файзиев ва «Сенекс-Плюс» МЧЖ раҳбари И.Бақоевлар имзоси билан туман солиқ инспекцияси бошлиғи номига банкдаги ҳисоб варақларини очишга рухсат беришни сўраб, шу йилнинг 13 апрелида расмий хат юборилган.

*(Давоми иккинчи бетда)*

**Mohiyat**

## ЖАЗОНИНГ МУҚАРРАРЛИГИ

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида Президентимиз Ислом Каримов суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга алоҳида тўхталиб, шундай деб таъкидлагандилар: “Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала – бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир”.***

***Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида олиб борилган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, мамлакатимизда ўлим жазосини жиноий жазо тури сифатида бекор қилишнинг ҳуқуқий асоси юзага келди. Давлатимиз раҳбари томонидан 2005 йил 1 августда имзоланган “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармон истиқлол йилларида бу борада олиб борилган ислоҳатларни янги босқичга олиб чиқди.***

Жиноят ва жазо, жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш сингари муаммолар ва айниқса, инсоннинг яшаш ҳуқуқи барча даврларда қизғин мунозараларга сабаб бўлиб келган. Албатта, бундай баҳслар орасида ўлим жазоси, унинг сабаб ва оқибатлари, бу жазонинг жиноятчиликнинг олдини олишда нечоғли аҳамият касб этиши асосий мавзу ҳисобланган.

Асрлар мобайнида ана шу мунозаралар асносида ўлим жазосининг адолатсиз, ғайритабиий жазо, деган қараш тобора қатъийлашди. Маърифатпарварлар илгари сурган бағрикенглик ва раҳмдиллик тамойиллари аста-секин ҳаётда ўз тасдиғини топа бошлади. 1867 йили Португалия давлати Европада жиноий жазони эркинлаштириш жараёнини бошлаб берди. Орадан 123 йил ўтиб, 1990 йилга келиб, жаҳондаги давлатлар ўлим жазосини амалда қўллаш ва қўлламаслик бўйича тенг иккига бўлинди. 1991 йили мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон ҳам бу жараёнлардан четда турмади.

*(Давоми учинчи бетда)*

Qonun ijodkorligi

*Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш қонунларни ишлаб чиқишни ва уларни ҳаётга татбиқ этишни, қонун устуворлигини таъминлашни тақозо этади. Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов қонунчилик давлатнинг куч-қудратини, унинг халқ хоҳиш-иродасига таяниб иш олиб боришини кўрсатади, деганида, биринчи навбатда, қонунларнинг яратилишига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини назарда тутган.*

# ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ

**«Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»**ги Конституциявий қонунга биноан, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир ишларнинг асосий тамойиллари қуйидаги тартибда белгиланган: қонун устуворлигини, ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари ўртасида мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган тамойиллари ва меъёрлари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш, сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш, нодавлат нотижорат, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтлари янада мустаҳкамланиши ҳамда ривожлантирилиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва давлат ҳокимияти марказий идораларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув идораларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият идоралари, жумладан, мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан назорат механизмини шакллантириш.

2000 йил 14 декабрда қабул қилинган **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»**ги қонунда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, турлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар таърифланган. Унга мувофиқ, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида, қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган расмий ҳужжат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи идоралар ёки мансабдор шахслар сифатида белгиланган.

Қонун ижодкорлиги ҳуқуқ ижодкорлигининг асосий шаклидир. Бошқача айтганда, қонун ижодкорлиги — давлат вакиллик идорасининг қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қаратилган, аниқ мақсадга йўналтирилган иродавий фаолияти. Бу ижодий жараёнда аввало, халқнинг иродаси, фикр-мулоҳазалари шакллантирилади ва белгиланган тартибда қонун дажасига олиб чиқилади, кейин унга юридик тус берилади.

Давлат қонунчилик фаолияти орқали сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ва мафкуравий ҳаётнинг барча соҳаларидаги энг муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар яратади. Шу маънода қонунчилик фаолияти ҳар қандай давлатнинг ажралмас вазифаси ҳисобланиб, унда давлатнинг олий вакиллик идораси ижтимоий тажрибани умумлаштириш асосида жамиятга давлат раҳбарлигини амалга ошириш ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида қонунлар яратилишини таъминлайди, мавжуд қонунларга ўзгартиришлар киритади, эскирганларини бекор қилади.

Қонун ижодкорлигининг барча босқичларида давлат ҳокимияти идоралари, шунингдек, илмий муассасалар, жамоат ташкилотлари ва жамоатчилик иштирок этади. Бунда ваколатли давлат идоралари илмий маълумотлар, жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда қарор қабул қилади. Мазкур босқичларда давлат идоралари, илмий муассасалар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш катта аҳамиятга эга.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишнинг барча босқичларига жиддий ёндашув сифатли, зарур қонун ҳужжатлари қабул қилинишининг кафолатидир. Қонун чиқарувчи идора ходимларидан давлат ва жамият ҳаётини ислоҳ қилишнинг яқин ва узоқ муддатли мақсадларини, шунингдек, уларга эришишнинг самарали воситаларини аниқлашга қаратилган юксак касб маҳорати талаб этилади. Бу иш жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашини, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги манфаатли иштирокини назарда тутади.

**Шаҳобиддин ШАРОФУТДИНОВ**

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

# САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ ҲУҚУҚИ

***— Фуқаролар йиғини фаолияти қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилади?***

— Ҳар бир йиғинда йиғин ўтказилган сана, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилган ҳолда баённома юритилади. Фуқаролар йиғинининг баённомаси ва қарорини фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва масъул котиби имзолайдилар. Раис (оқсоқол) йўқлигида, фуқаролар йиғинининг баённомасини раиснинг маслаҳатчиларидан бири ва масъул котиб имзолайди.

***— Фуқаролар йиғинининг кенгаши қандай тартибда чақирилади ва ишлайди?***

— Фуқаролар йиғинининг Кенгаш мажлиси фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан, заруратга қараб, лекин ойида камида бир марта ўтказилади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси, агар унинг ишида кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Қарор, агар уни фуқаролар йиғини кенгашининг ҳозир бўлган аъзоларидан ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

***— Фуқаролар йиғинининг раиси ва унинг маслаҳатчилари қандай тартибда ва қанча муддатга сайланади?***

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда, маслаҳатчилар эса фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) тақдимига биноан икки ярим йил муддатга сайланади.

***— Фуқаролар йиғини раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши мумкинми?***

Раиснинг (оқсоқолнинг) ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилади:

— у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;

— фуқаролар йиғини қарор қабул қилганда;

— у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

— унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда.

***— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти кимлар томонидан ташкил этилади?***

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти унинг кенгаши ҳамда фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан ташкил этилади.

Раиснинг маслаҳатчилари ўртасида вазифаларни тақсимлаш фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) тақдимномаси бўйича йиғин томонидан амалга оширилади.

Фуқаролар йиғини кенгаши ўз девонига эга бўлиши мумкин, унинг ходимлари сони йиғин томонидан белгиланади. Йиғиннинг масъул котиби ва кенгаш девони ходимлари йиғинни, кенгаш мажлисини ўтказишга доир материалларни тайёрлайдилар, йиғиннинг, кенгашнинг ва раиснинг (оқсоқолнинг) қарорлари ижрочиларга ўз вақтида етказилишини таъминлайди, иш юритилишини амалга оширади.

***— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари доимий ишловчи ходимлари моддий таъминоти қандай тартибда амалга оширилади?***

— Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), масъул котиби ва кенгаш девони ходимлари фуқаролар йиғинининг маблағлари ҳисобидан ҳам, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ҳам таъминланиши мумкин.

***— Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идоралари ўз мулкига эга бўлиши мумкинми?***

— Албатта, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари томонидан қурилган, олинган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий-маиший ва бошқа мақсаддаги объектлар, шунингдек, транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ва бошқа кўчар ҳамда кўчмас мулк уларнинг мулки ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ўз мулки бўлган объектларни вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, белгиланган тартибда ўз тасарруфидан чиқаришга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулк билан боғлиқ бошқа битимлар тузишга ҳақлидир.

***— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари молиявий асослари қандай ташкил этилади?***

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятининг молиявий асоси ўз маблағларидан, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган тартибда ажратиладиган бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг молиявий маблағлари банк муассасасидаги мустақил ҳисобварақда сақланади ҳамда белгиланган тартибда улар томонидан мустақил фойдаланилади ва бу маблағларнинг олиб қўйилиши мумкин эмас.

***— Фуқаролар йиғинининг кенгаши молиявий маблағлар учун ҳисобдорми?***

— Албатта, ҳисобдор. Фуқаролар йиғинининг кенгаши молиявий маблағлардан фойдаланилганлиги тўғрисида йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини олдида ҳисоб бериб боради.

***— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳам бошқа идоралар каби ҳисоботлар юритадими?***

— Ҳа, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ўз фаолиятининг ҳисобини юритади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий статистика ва солиқ идораларига ҳисобот тақдим этади.

***— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгами?***

— Албатта, эга. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг ва мансабдор шахсларининг мурожаатлари давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатлари доирасида қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилиши шарт.

***— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларини қайта ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш тартиби қандай?***

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларини қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш маъмурий-ҳудудий бирликлар, шунингдек, маҳалла қўшилганда, бўлинганда, тугатилганда фуқаролар йиғинининг қарорига биноан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

***— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятига оид низолар қандай ҳал этилади?***

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолияти билан боғлиқ низолар суд томонидан ҳал этилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишга доир фуқароларнинг ҳуқуқларини бузган давлат идоралари ва бошқа идораларнинг, шунингдек, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилишга ҳақлидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари қарорлари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Рукн учун масъул ҳуқуқшунос А.РАҲМОНОВ**

Bizning sharh

# ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла таъминланишига, қонун устуворлигини ва фуқароларнинг манфаатлари ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишини кенгайтиришга қаратилган.**



2006 йил 7 мартда Вазирлар Маҳкамасининг **«Автомототранспорт воситалари сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди ва **«Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида»**ги Низом тасдиқланди. Мазкур қарорга асосан, 2006 йил 1 июлдан эътиборан автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш (олиш-сотиш, айирбошлаш, ҳадя) ва ижарага бериш шартномаларини нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақами ва ҳудудий кодига эга бўлган давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланадиган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади.

Мамлакатимиз ҳудудида бошқа давлатлардан олиб келинган автомототранспорт воситаларига ишончномалар бериш, уларни бошқа шахсга ижарага бериш божхона идораларида расмийлаштирилиб, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идораларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин амалга оширилади. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идораларида рўйхатдан ўтмаган автомототранспорт воситаларининг бозорларда олди-сотдиси ва айирбошланиши, шунингдек, биржалар орқали сотилиши таъқиқланади.

Мазкур қарорга кўра, 18 ёшга тўлмаган шахсларга автотранспорт воситаларининг ишончномаларини бериш ва ушбу воситаларни ижарага бериш шартномаларини расмийлаштиришга йўл қўйилмайди. Лотерея ва бошқа оммавий ўйинларнинг ютиб олинган, қонунда белгиланган тартибда мерос ҳисобланган автомототранспорт воситалари бундан мустасно.

Мазкур қарор қабул қилинганга қадар автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқига берилган ишончномалар, айни шу қарорга мувофиқ, қолган муддатга қайта расмийлаштирилади. Аҳолига қулайлик туғдириш ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, ушбу ишончномалар 2007 йил 1 январига қадар давлат божи ундирилмасдан қайта расмийлаштирилади. Қайта расмийлаштириш учун нотариал идораларга тақдим этилмаган тақдирда бу ишончномалар 2007 йил 1 январидан бошлаб ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Шу боис, фуқаролар мазкур ишончномаларни қайси нотариал идора нотариуси томонидан расмийлаштириб олишган бўлса, уни қайта расмийлаштириш учун айнан ўша нотариусга мурожаат этишлари лозим.

Автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш, ижара шартномалари ва бошқа шахсга бериш ҳуқуқи билан боғлиқ ишончномалар давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идораларида ушбу техника воситаларининг агрегат рақамлари кўздан кечирилиб, таъқиқланмагани текширилгандан сўнг нотариуслар томонидан амалга оширилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идораларида автомототранспорт воситалари кўздан кечирилгани учун тўлов ундирилмайди.

Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар ва уларни ижарага бериш шартномалари Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда автомототранспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идораларида ҳисобга қўйилиши керак. Ҳисобга қўйиш ҳам тўловсиз амалга оширилади.

**Н.НОРМАТОВА**

To`siq

**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ходимлари жорий йилнинг иш режасига асосан, Оқдарё туманида қонунчиликка риоя этилишини ўрганишди. Ўрганиш жараёнида Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари бузилган ҳолатларга дуч келинди.**

# ҲАҚЛИ ЧОРА

## тадбиркорга эмас, текширувчига нисбатан қўлланилди

Маълумки, мазкур Фармон кучга киргунга қадар (2005 йилнинг 1 июлигача) назорат қилувчи ва рухсатнома берувчи идоралар тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиб қўйиш, молиявий жарималар қўллаш, лицензияларни бекор қилиш ваколатларига эга эди. Бу эса, ўз навбатида, турли хил қонунбузилишларга, тадбиркорларнинг асоссиз оворагарчилигига сабаб бўларди. Фармон кучга киргач, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали қўлланиши тартиби жорий этилди ва бу тадбиркорлар фаолияти йўлидаги турли хил бюрократик тўсиқларни олиб ташлади.

Бироқ Фармон талабларига айрим назорат қилувчи идоралар ходимларининг юзаки қараётгани ачинарли ҳол. Хусусан, Оқдарё тумани санитария-эпидемиология назорати маркази бошлиғининг буйруғи билан санитария врачи ёрдамчиси О.Ғаффоров тумандаги «Соҳибқирон Оқдарё» савдо ишлаб чиқариш корхонасида текшириш ўтказади ва унинг хулосаларига кўра, назорат маркази «Соҳибқирон Оқдарё» савдо ишлаб чиқариш корхонасига қарашли дўконни ёпиб қўйиш ҳақида қарор чиқаради.

Президент Фармонида тадбиркорлик субъектининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш фақат суд тартибида амалга оширилади, дея таъкидланган. Туман санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан ушбу тадбиркорлик субъектига қарашли дўконнинг ўн иш кунигача тўхтатиб турилиши ҳам, истисно тариқасида, қонунга зид эмас.

Корхона раҳбари М.Ортиқова, Фармонда кўрсатилганидек, ўн кун ўтгач, дўконда иш фаолиятни давом эттиришга рухсат сўраб туман санитария-эпидемиология назорати маркази раҳбари номига ариза ёзади. Бироқ марказ ходими О.Ғаффоров дўконни очиш ҳақида далолатнома тузиш ўрнига, қайта назорат далолатномаси тузиб, камчиликларни кўрсатади. Айни шу ҳаракати билан у хатога йўл қўяди. Агар кўрсатилган камчиликлар тадбиркор томонидан бартараф этилмаган экан, назорат қилувчи идора қонуннинг бошқа талабларини қўллаши лозим эди. Чунки дўконни ўн кундан ортиқ ёпиб қўйиш назорат қилувчи идоралар ваколатидан чиқарилган ва бу ишга фақат суд ҳақли. Шу тариқа назорат маркази ходими билиб-билмай тадбиркор фаолиятига тўсиқ қўйган.

Вилоят адлия бошқармаси О.Ғаффоровни «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 241-1-моддаси, 1-қисми билан маъмурий жаримага тортиш тўғрисида жиноят ишлари бўйича Оқдарё тумани судига тақдимнома киритди. Суд ҳуқуқбузар О.Ғаффоровни 28 минг 200 сўм миқдорида маъмурий жаримага тортди. Суд тартибида текширувчига берилган бу маъмурий жазодан, ўйлаймизки, назорат ходимлари ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишади. Зотан, тадбиркорлар фаолиятига нохолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан энди бутунлай воз кечиш, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўлиқ таъминлаш керак. Шундагина мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган тадбиркорларга берилган имтиёз ва кафолатлар таъминланган, уларнинг юртимиз равнақи йўлида эмин-эркин меҳнат қилишига шарт-шароит яратилган бўлади.

**Сафар ТОҒАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Ҳамид ЭГАМ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

Ajab savdolar

# НОЎРИН ТАХМИН

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Бироқ назорат қилувчи идора ходимлари юқори турувчи идора томонидан ишлаб чиқилган Тартибни била туриб, ҳар икки тадбиркорни содда деб ўйлаган кўринади. Нега деганда, корхона ва масъулияти чекланган жамиятнинг банкдаги ҳисоб варақларини очиб бериш ўрнига тадбиркорлар фаолият юритишига сунъий тўсиқ қўйилган.

Аниқроқ айтганда, тадбиркорлар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилган. Аммо юқорида қайд этилган Тартибнинг 4-банди бўйича «Саната-Прогресс» ва «Сенекс-Плюс»ларнинг банкдаги ҳисоб варақлари бир иш кунида очиб берилмаган. Яъни шу йилнинг 18 апрелига қадар тадбиркорлик субъектларининг банкдаги ҳисоб варақлари ёпиқ турган.

Ўрни келганда шуни айтиш лозимки, асоссиз равишда гумонсираш киши дилини ранжитади, қўлини ишдан совутади. Бу ҳақда бежиз гап бошлаганимиз йўқ. Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан вилоят хўжалик судига киритилган ҳар иккала даъво аризада «Саната-Прогресс» ва «Сенекс-Плюс» тадбиркорлик объектлари олинмаган маҳсулотларни сотиш, ҳисоб рақамидаги пул маблағларини нақдлаштириш билан шуғулланиб келаётганлигидан шубҳаланаётгани қайд этган эди. Хўш, бундай шубҳага асос борми? Борди-ю, солиқ тўловчи олинган маҳсулотларни сотиш, ҳисоб рақамидаги пул маблағларини нақдлаштириш билан шуғулланган бўлса, у исбот талаб қилади. Бу ғайриқонуний иш ҳақиқий тадбиркорга ярашмайди. Қолаверса, олинмаган маҳсулотларни сотиш, ҳисоб рақамидаги пул маблағларини нақдлаштириш билан шуғулланганлиги исботланса, қонунда чора қўлланиши кўзда тутилган.

Бироқ туман давлат солиқ инспекцияси ходимларининг шубҳаси ўринсиз бўлиб чиқди. Вилоят адлия бошқармаси хўжалик судига эътирознома киритди. Туман солиқ инспекциясининг вилоят хўжалик судига киритган даъво аризалари суднинг ҳал қилув қарори билан рад этилди.

Албатта, юқорида баён этилган воқеалардан ким қандай хулоса чиқариши ўзига ҳавола. Лекин тадбиркор учун нафақат бир кун, балки ҳар соатнинг ҳам аҳамияти катта. Шундай экан, назорат қилувчи идоралар ходимлари амалдаги қонунлар, меъёрий ҳужжатлар талаблари доирасидан четга чиқмаслиги, ўринсиз шубҳаларга берилмасликлари керак.

**Баҳодир ТИЛАВОВ,**
**Навоий вилоят адлия бошқармаси**
**катта маслаҳатчиси**

**Орамизда «нима қилсам қилавераман, кейин бир гап бўлар» деган хом хаёл билан ишловчи ишбилармонлар ҳам йўқ эмас. Шундайлардан бири, Навбаҳор туманидаги «Аброр» фермер хўжалиги раиси А.Худойбердиевнинг ноқонуний ишлари ҳеч бир қолипга сиғмайди.**

# АНТИҚА “ИШБИЛАРМОНЛИК”



Фермер хўжалиги раиси «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛК Навоий вилоят филиали билан 2003 йилнинг 2 июлида 7 йилга мўлжалланган лизинг шартномасига асосан баҳоси 13 миллион 105 минг сўмлик «ТТЗ-80» русумли трактор сотиб олади. У лизинг тўловлари билан жами 15 миллион 472 минг 327 сўмни тўлов жадвали асосида 2011 йилнинг январигача тўлаши лозим эди. Ушбу маблағ тўлиқ тўланса, трактор фермер хўжалиги мулкига айланиши шартномада белгилангандi.

Аммо «Аброр» фермер хўжалиги томонидан шартнома шартлари бажарилмади. Шу сабабли, «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛК Навоий вилоят филиали хўжалик судига мурожаат этиб, мазкур фермер хўжалиги билан тузилган шартномани бекор қилиш ва фермер хўжалиги томонидан тўланиши лозим бўлган 1 миллион 747 минг 600 сўм лизинг тўлови, 1 миллион 868 минг 796 сўм тўловни кечиктирилган кунлар учун устама ундириб беришни сўради. Ўтган йилнинг 10 августида мазкур трактор рўйхатга олиниб, суд ажрими чиқарилиб, ижро этиш учун суд ижрочисига юборилганди.

Аниқланишича, А.Худойбердиев «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛКга тегишли «ТТЗ-80» русумли тракторни олди-сотди шартномасига асосан фуқаро С.Болтаевга 100 минг сўмга сотиб юборган экан. Аслида эса тракторнинг баҳоси 15,4 миллион сўм эди...

Бундан ташқари, А.Худойбердиев «Вомитан» фермер хўжалиги раҳбари лавозимида ҳам ишлаб, «Ипак йўли» банкининг Навоий шаҳар филиали билан тузилган 2003 йил 19 майдаги 33-сонли ҳамда 2004 йил 24 мартдаги 71-сонли кредит шартномасига асосан мазкур банкдан чорвачиликни ривожлантириш, йирик шохли мол ва омухта ем олиш учун 10 миллион сўм кредит олиб, гаровга «Т-4» русумли занжирли, «Т-28» русумли ғилдиракли ҳамда И.Қосимовга тегишли «Икарус» русумли автобусни қўйган.

Dakki

Навбаҳор тумани ҳокимининг 2004 йил 14 апрелдаги қарорига «Вомитан» фермер хўжалиги тугатилиб, унинг ҳуқуқий вориси сифатида «Аброр» фермер хўжалиги белгиланган. Мазкур қарорга асосан «Вомитан» фермер хўжалигининг мол-мулки, ер майдони, ишчи кучи ва техникаси, асосий воситалари ҳамда дебитор ва кредитор қарзлари, шу жумладан, банк олдидаги қарзлари ҳам «Аброр» фермер хўжалигига ўтказилган. А.Худойбердиев шу хўжалик раиси сифатида фаолият юритган.

Банк кредит ва фоизларни «Аброр» фермер хўжалигидан гаровга қўйилган мол-мулклар ҳисобидан ундириб беришни сўраган. Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан банкнинг даъвоси қаноатлантирилиб, 10 миллион 465 минг сўмлик кредит қарзи, 1 миллион 894 минг сўмлик фоизи ҳамда 123591 сўм суд харажатлари ундириш белгиланди.

Бу қонунбузилишлар бўйича «Аброр» фермер хўжалиги раҳбари А.Худойбердиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

«Олмоқнинг бермоғи бор» дейишади. Қарз олишдан олдин унинг ҳисоб-китобини пухта ўйлаш лозим. Ачинарлиси, А.Худойбердиев банкдан кредит олишга олиб, охирида ўз виждонига хиёнат қилмаганида бу куйга тушмасди. Берилган кредитни ундириш учун ўнлаб одамларнинг вақти беҳудага сарфланмасди. Балки шу маблағ ҳалол бир тадбиркорга берилганида, банк ҳам, мижоз ҳам фойда кўрган бўлармиди?..

**Т.ҚАҲҲОРОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**И.ХОЛБОЕВ,**
**журналист**

